

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД**

**УЙФОНАЁТГАН ИШҚНИНГ  
ОВОЗИ**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
2007

84(5y)6-5

“Шоир юрагининг зарби дунёни титратиши мумкин”, – дейишади. Эҳтимол, ростдир. Яхши шоир, яхши шеър инсон қалбида ҳаяжон уйғотади, кўтаринки кайфият, гоҳида оғриқ пайдо қилади. Ушбу китобдан ўрин олган шеърлар ҳам кўнглингизда акс-садо беришига умид қилиб қоламиз.

20 07 A1024	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M
----------------	---

ISBN 978-9943-09-152-8

Ю 33207  
0 Д 1

© Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2007 йил

## ПОКЛАНИШ

Қайғу сели тинди, сезилмай қолди,  
Зарбасидан юрак эзилмай қолди,  
Ой – патир осмонда узилмай қолди,  
Жонимо...  
Ул яфроғ тўкилмай қолди.

Умидлар ниҳолдек унган маҳали,  
Илдизи тотиниб тўйган малҳами  
Экан, озорларга дўнган заҳарми,  
Қонимо...  
Ул шароб ичилмай қолди.

Аё руҳ, ботиним ҳар дам синагил,  
Кўксимда ҳар оқшом гул бўл, тунагил,  
Етсин бардошимга сабот тила – гул,  
Виждоним  
Чокидан сўкилмай қолди.

Муҳаббат хатарли, савдоли ўйин,  
Дину дунёйимни қамраган куйинг,  
Мен банди, кўйингда сўнди ранг-рўйим,  
Иймон  
Суяқларинг букилмай қолди.

## КЎЗЛАРИМДА ТЎЛИН ОЙ БАЛҚДИ

Жарқўрғонда яна ой балқди,  
Тун чорбоғда ечинди, момо.  
Тирикликнинг шўх-шаддод саси,  
Бир зум тинмас қуюндир, момо.

Аёз эди, воҳ, дилдирадим,  
Эгним пича юпундир, момо.  
Шу кунларда неварангизга,  
Фаму алам тўкиндир, момо

Ёнган кўнглим, ўрнида энди  
Қолганлари кукундир, момо.  
Ишқ-муҳаббат ҳижронида мен,  
Чархи дундан ўкиндим, момо.

Кўнглим кўзгу эди ишқимга,  
Дарз етди-ку, синди-ку, момо.  
Шоҳиддирсиз, ўзингиз айтинг,  
Кимнинг бағри бутундир, момо.

Қароғимда тўлин ой балқди,  
Эҳ, дил оқшомга дўнди, момо.  
Сулувлари ўтларда ёқди,  
Севмагайман ҳеч энди, момо.

Жарқўрғонда сўлим ой балқди,  
Сойда ойлар оқди-ей, момо.  
Юрак – кема, жон-жисмимизда,  
Гулобу май қалқди-ей, момо.

Тундай маҳзун кечаларимда,  
Ишққа оға тутиндим, момо.  
Ишқ билмаса агарда мени,  
Дунёдан тоқ ўтардим, момо.

## **ИЙМОНИМ, ГУЛРҰЙИМ...**

Ой – менинг хотирам – боғ аро,  
Кечалар йўқотган йўлимсан.  
Солланиб, олланиб бошимда,  
Фунчаси кўз очган гулимсан.

Ой – менинг хотирам – уқубат,  
Ғам тиғи бағримни тиглаган.  
Қирқ оқшом оловда тобланиб,  
Ҳариртоб вужудин поклаган.

Ой – менинг унут бир хотирам,  
Шарқироқ сойлардир хаёлим.  
Иймоним, гулрўйим, бокирам,  
Сен – кўзим қароғи – саволим.

Ой – менинг хотирам, ўзимсан,  
Яримман, тўйланиб тўлмайман.  
Оҳ, юракка етмас сўзимсан,  
Мен сендан ўзгани билмайман!..

Мен сенли бўлмасам тўлмайман,  
Мен сенли бўлмасам қулмайман,  
Мен сенли бўлмасам ўлмайман.

## СЎНГГИ МАЖНУН

Соғинтирма севгим, соғинчи дарё,  
Кўнгил ўзанларин тўш уриб беҳол,  
Тўзғитар жонимни, тўзғитар ҳар ён.

Соғинтирма севгим, ўкинчим дарё,  
Етти қат фалакни сувлаб кўз ёшим,  
Гул ўстирдим – ЮЛДУЗ дунёдан айро.

Қисмат. Шаффоф руҳнинг абгор хуржуни –  
Лаззату изтироб, оҳу воҳ сероб,  
Сен сўнгги Лайли-ю, мен сўнгги Мажнун.

Ўқи йўқ дунёнинг ғаладонига,  
Хиёнат оралаб юрар мушукдек –  
Энди озор жон – қуш – палапонига.

Кўксимнинг чоҳига синчи – қарайман,  
Қўрқма ёр, дунё юз ўгирса мендан,  
Жон фидо қилмоққа ҳар дам ярайман..

Мен бу дунёнинг энг сўнгги Мажнуни.

## ЮРАК ФАСЛИ

Майли, сочларимни ўйнасин шамол,  
Майли, унга букун айлайман эҳсон,  
Чўнтагим ағдариб титкиласин хўб,  
Қадримни айласин ер билан яксон.

Мен унга индамам, индамам букун,  
Кўрдим, дунёсидан ихлосим қайтди.  
Навниҳол қаддимда рўёнинг юки,  
Руҳим армонлардан лапарлар айтди.

Эй, сен – зада кўнгил, паришон руҳим,  
Ўздан тонгил, жунун саҳросига қоч.  
Энди довулларга бўлсинлар эрмак,  
Бир сулувки эркалаб, силамаган соч.

Оҳ, ишқи бадарға кўнглим қатида,  
Увиллаб бўронлар ўйнасин хушқол.  
Ул жоду, моҳларга менми истило?..  
Энди айтар бўлдим: моҳрўйим хуш қол!

Забун айлаяжак бир кун батамом,  
Покиза руҳимни бераҳм қисмат.  
Сўнг мени элтади ишқ бақо сари..  
Ишқнинг йўлларида ётар хусумат...

## СУКУТНИНГ САБОҒИ

Сукунатнинг чинқириғи  
уйғотиб юборар,  
ойни,  
оламни.  
Қўрқинчлими,  
э воҳ, шунча ҳам,  
ваҳмга ўранган сукунат?!  
Марҳумнинг жимлиги,  
пойлоқчи ажалнинг шумлиги,  
ақлдан оздирар ҳаммани.  
Дунёни ямлайди сукунат,  
сайёралар кетар адашиб.  
Майсалар ниш санчди қиқирлаб,  
йиғлаётган ойнинг кўзига.  
Ҳамма ўз тилида сўзлашаверар,  
сукунат сирини англамас ҳеч ким.  
Шудрингми, нимадир, ой шуъласими,  
дунёни сеҳрга ғарқ айлар буткул.  
Оламни истило айлайди сўзлар,  
сукунат тилида сўзлайди марҳум.  
...Уйғонардик биз ҳам ғафлатдан  
сукутнинг тилини билсайдик агар.

## ҲАҚИҚАТ

*«Рост гапиринглар, агарчи ростликда  
ҳалокат бор деб билсаларинг ҳам, чунки  
аслида нажот ростликдадир».*

(«Минг бир ҳадис» дан)

Ҳақ айтдинг,  
дунёда ҳақлинг учун,  
тилингни кессалар –  
ҲАҚни жойла қароқларингга.  
Кўзингни ўйсалар ундан қўрқишиб,  
барибир, сен ўжар юрагингни  
гапга солавер.  
Бир кун ҳатто  
ваҳший қаллоблар,  
сени юрагингдан этсалар жудо,  
вазмин бўл,  
                    чайқалма,  
                                    жасорат ила  
шаҳодат қил бармоқларингни.  
Агар...  
Қанотингни қайиришса,  
қўлларингни кессалар, ҳайҳот!  
Сабрингни йиғ,  
энг сўнгни палла,  
муқаддас, шу қадим тупроққа,  
тизанла, лек йиқилиб қолма.  
Йиқилган ҳақиқат эмасдир,  
қулаган ҳақиқат эмасдир.  
Йиқилма вужудим,  
ҳеч сўнма руҳим,  
сен менинг жонимсан, ҳақиқат!

## УЙҒОНАЁТГАН ИШҚНИНГ ОВОЗИ

Зўрға айтдим, титраб-тўкилиб,  
танамни эзгилаб ётди сукунат.  
Тилим куйди, дилим куйиб,  
шивирлаб ҳам сўз айта олмам.  
Мен ахир..  
Мен ахир..  
«Севаман!»,  
«Севаман!»,  
«Севаман!»  
Портлаб кетди еру кўк шу он..  
Ўрмалай бошлади дафъатан,  
вужудимда митти чумоли.  
Қарғади тилимни бахил сукунат,  
юракни нимталаб ўйнади исён.  
Кўксимда бир журъат ёнди – йўрғалаб,  
дупур-дупурлари тутди юракни.  
Иллатлар сўлдилар,  
кулфатлар тинди.  
Ишғол этди дунёни буткул,  
уйғонаётган ишқнинг овози.  
Мен ишқ ҳужрасида  
букун бир гўдак,  
овозим оламини уйғотар гуллаб..  
Сийратимда байрам, ўинадим,  
ажаб фараҳ қўйнида сархуш.  
Тилимда айланар сеҳрли калом,  
кўзимда балқийди муҳаббат.

## ТОҒАЙ МУРОДГА...

(«Отамдан қолган далалар» романини ўқиб)

Тинмайин айланар чархпалак,  
Гардишида турфа аланга.  
Чархлайди дунёнинг дардини,  
Сарафроз этгуси далангга.

Ҳеч тиним билмайди чархпалак,  
Болангга қарагин, болангга –  
Бечора беқўним, жон ҳалак,  
Қисмати сарғаяр далангда.

Айланар бетиним чархпалак,  
Тингловчи йўқ эрур нолангга.  
Одиллик қилгин-да, эй фалак –  
Азоблар бермагил болангга!

Тинмаюр айланар чархпалак,  
Кўзим қон симирар далангда.  
Кўзинг бўлса қара, эй, малак,  
Ғуборга кўмилган болангга –  
Дунёлар кўрмаган болангга.

Дунёлар, дунёлар айланар,  
Бошимда рўёлар айланар.  
Чўчиманг, энди сиз оналар –  
Болангиз фидога айланар,  
Болангиз ҳумога айланар.

## БИР ГУЛ КЕРАК

Бир гул керак  
менга,  
булбул ўпмаган.  
Ҳеч кимнинг назари  
етмаган бир гул.  
Бир йўл керак менга,  
ҳурларнинг йўли –  
олис ва бехатар,  
борса омон қайтар,  
бол забон айтар.  
Йўл кечиб, довонлар ошибон,  
елкалаб кетурман умр хуржунин,  
ҳали мен етмаган,  
ва ета олмас –  
эрк ўкинмас олис масканда,  
ифорлар иниб ётган,  
бир гул керак менга –  
шундай, қайсар гул:  
бол аридан болин қизганиб,  
бўса ҳадя этмаган зинҳор,  
санчавериб ғанимларига,  
тиконларидан айрилган,  
ҳимоятсиз,  
ўксинган бир гул!..

## ИҚРОР

Йиғласам кўзимдан мунглар тўкилар,  
Кўз ёшим тўлғазар ҳурларнинг ҳовучларини.  
Дуолар қилолмай елкаларимда,  
Менинг маънос ҳолимдан забун –  
Ифбатли, ҳаёли фаришталарим,  
Калима қайтарар кўнгилларида.  
Борлиғим тўлғанар илоҳ кўйида,  
Минг йилки илдизи  
Жон талвасада –  
Қадим чинор мисол кўҳна жисмимда,  
Ийманиб,  
Қийналиб,  
Сийпаниб,  
Бир янги руҳ макон топажак.  
Булбулнинг навоси  
Жо бўлган дилни,  
Гулларнинг фироғи ўртаюр  
Во ажаб, нечун?  
Кўнглимнинг йўриғи –  
Шонли чақириқ,  
Мен илдам ошарман ул доvonлардан.  
Виждоним,  
Иймоним,  
Ҳеч кимга мағлуб бўлмаган,  
Энг голиб қўрғоним,  
Голиб қўрғоним...  
Сўнги қўрғоним...

## БОЛАЛИК

Руҳимнинг бўш қолган ерига,  
Иймонни, номусни тўлғаздим.  
Мен дунёдан нималар олиб,  
Ақалли нимани ютқаздим.

Кўнглимнинг илоҳий ториға,  
Оҳорли оҳанглар тутқаздим.  
Тунлар ишқнинг йўргакларида,  
Аллалаб умримни ўтказдим.

Юракни гоҳ шодлик – ҳазинлик,  
Турфа хил туйғулар чулғайди.  
Оҳанглар қўйнида эркалаб,  
Ғунчадек очилдим, улғайдим.

Оқар экан тириклик – дарё,  
Ўтар экан фурсатлар тезкор.  
Тентиб хотир сўқмоқларида,  
Болалигим соғиндим илк бор.

Қиморбоз, бешафқат дунёда,  
Мен сени ютқаздим БОЛАЛИК.  
Қисмат дафтаримда БИТИКЛАР,  
У сенинг умрингдан эсталик.

## ЮРАК. СОДДА МУСИЧА..

Ўқиндим, бемажол хаста дил,  
Кўзимда, сўзимда нолон йиғлади,  
Бир ишқпараст, нотавон булбул.

Куйдим, юрагимда сарғаймади гул,  
Бош узра ҳайқириб қуламади тоғ,  
Сўнди-ё кўксимда умидлар буткул.

Менинг инжа кўнглим, ўксик безабон,  
Сабухий саҳарлар сим-сим йиғлади...  
...Қароғим дардларга абадий қалқон.

Дард уйи, ҳужрада ёлғиз муҳаббат,  
Ҳасрат – дастурхонда фақат бир неъмат,  
Зулматни совур шам – юрагим минбаъд!

Мен кетдим, изимда хароба ҳовли,  
Йиғлаб қолди қизим – эркатой кўнглим,  
Анграйди, йўлимда йиллар тушовли.

Руҳимни чўқтирди, қийнади Худо,  
Чалажон умидни қучоқлаб маҳкам,  
Бағримдан кетолмай ўлтирар жудо.

Аёз...Титраб кетдим, титраб – кўзимча,  
Тарк эта олмайин ошенин абгор,  
Айвонда дилдирар содда мусича.

## ҲОЛАТ

Булутлар ул ўткир қоянинг,  
Тўшидан тирналиб ўтдилар.  
Дунёнинг энг ҳазин қўшиғин,  
Куйлашиб, қийналиб ўтдилар.

Симиллади ярадор юрак,  
Оҳ, вужудга етди жароҳат!  
Кун кўзини юмди бемажол,  
Соялардай ёприлди офат.

Қон сизди, муаттар қонидан,  
Ютоқиб симирди чечаклар.  
Чўққиларнинг тиғи ялтиллаб,  
Булутларни ҳануз пичоқлар.

Дунё узра чўкар сукунат,  
Хўмраяди ғаддор қоялар.  
Пойида пилдираб айланар,  
Бир ундан қолгани соялар.

Булутлар дунёни кездилар,  
Ва охир дўндилар кўз ёшга.  
...Тишини қайрайди қоялар,  
Томчилар айланар қуёшга.

## ЎЗГА ЮРТНИНГ КАРВОНЛАРИ

Ойтуман ёр кетиб борар карвон билан,  
Огринма дил, мард қолади армон билан.

(Усмон АЗИМ)

Нортуяда кетар, ул ёр менингдир,  
Маъюс дилни тифлар оҳ-зор менингдир,  
Бахт сенга, кетавер, озор менингдир,  
Эй, сарбон, кулмагил, ёр-ёр менингдир,  
Оҳангида мунг яшар, тор менингдир.

Жунунман, ўкинма ҳолимга, бекор,  
Олов кўзларимга қарагин сен ёр,  
Унда кўз ёшлардан сўнмаган чўғ бор,  
Ой юзинда ётар губор менингдир,  
Хазонга гарқ, сўлган баҳор менингдир.

Ойтуман ёр кўзингда ғам мозори,  
Ғам мозори эмас ул, ғам бозори,  
Ҳижронингдан тўйдим, кўнглим озори,  
Савдолари касод бозор менингдир,  
Бўзлаб нола қилган дутор менингдир.

Кўксимга тиф ботди, этдим сени ёд,  
Қон қотди бўғзимда, кутдим сени шод,  
Ўтгил, шул йўллардан, айлагил обод,  
Ҳажрида сарғайган гулзор менингдир,  
Оҳ урсанг, ўшал оҳ, озор менингдир.

## ТАСКИН

Мунгли ва аламли қўшиқ айтарлар,  
Қўшиққа борини қўшиб айтарлар,  
Юракни нимталаб, сўйиб айтарлар,  
Бу дунёда севганига етолмаганлар.

Уларнинг тутинган сирдоши ойдир,  
Азал дили пайҳон, карвонсаройдир,  
Алар қайга борса, аҳволи войдир,  
Бу дунёда севганига етолмаганлар.

Йиғласа йиғисин ҳеч ким кўрмайди,  
Қаҳри қаттиқлардан меҳр сўрайди,  
Минг ажал келса ҳам асло ўлмайди,  
Бу дунёда севганига етолмаганлар.

Кўнгил дарёсидан ўтинчлар тошгай,  
Севинчга айланиб ўкинчлар тошгай,  
Маҳшад куни албат, албат топишгай,  
Бу дунёда севганига етолмаганлар.

## **БИР КҰНГИЛ КЕРАК.**

Кўнглима кўнглимдай бир кўнгил керак,  
Кўнглима кўнглимдай битта гул керак,  
Ишқ — юракдан келар совчи бу кўзлар,  
Кўнглима кўнглимдай бир сунбул керак.

Сирларимни сочиб дунёларга мен,  
Алданиб қолибман рўёларга мен.  
Кўзларингга сингий зиёлардай мен,  
Кўнглима кўзингдай бир кўнгил керак.

Иқрорим — бўйинса, иқболим — ғунча,  
Очилсам тўзғийман тонглар отгунча,  
Ифорим — изҳорим, япроғим — кулча,  
Айёмга яраша бир булбул керак.

Кўнглингиз кўнглима айлансин ёр-а,  
Вужудим кўнгилсой, кўнгилга зор-а,  
Кўнглингиз кўнглима келди-ку тор-а,  
Кўнглима кўнглимдай бир кўнгил керак.

## ГУЛНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

Бир гул заҳар ютиб  
Ағанаб ётар,  
Кўзларидан сизар қатра қон.  
Бир аломат юракда бежо,  
Ўлимдан чекиниб  
Яшар битта жон.  
Ҳар нафас йўлимни пойлайди ўлим,  
Шарпаси кўнглимга  
Фулғула солар.  
Башорат аталган  
Битта ғаразгўй,  
Тил теккизар хушвақт келажагимга.  
Юракнинг меҳрини нимталар рўё,  
Маломат юкланар елкаларимга.  
Қаро ерга ботдим тизгача –  
Ғам чўқтирди, ҳисларим парчин.  
Йиғолмайман энди меҳримни,  
Тош бағирни зритгил ОЧУН.  
Ҳақ улғайгил тафаккуримда,  
Ясантиргил, жисмим меҳрга.  
Шодлигим умримга улансин,  
Белансин севгининг сеҳрига.  
Кел, йиққин, кўнгилнинг синиқларини,  
Қолган қатра меҳримни ичгил.  
Розиман, кунингга ярамай қолсам,  
Майли, мендан абадга кечгил.

## ЁЛФИЗЛИК

*Осийлар севилди, фаҳшлар севилди,  
Сен севадинг,  
Нега севадинг?!*

(Зебо МИРЗАЕВА)

Зулмат, тамом чулғади мени,  
Ғашлик – илон,  
Ялмоғиз кампир,  
Тишин орасинда асранди умрим –  
Оёғи остида оввора лошим.  
Сўзласам, тилимни куйдирар калом,  
Дил соқов, тил чучук,  
Титроқ оҳларимдан,  
Осмон ҳам сўроқ?  
Йўқ, мен йиғламайман,  
Ҳасратларимдан,  
Кўз ёшим ичимга ютарман.  
Мендек ошиқу зор чеккада қолиб,  
Ишқни ўйин билган каслар севилди,  
Қайдаги нораво, пастлар севилди.  
Нечун ҳам, нечун ҳам  
Севилмадим мен?!  
Само эрк беради қарашларимга,  
Еллар мени алқар  
Титраниб, титраниб теварагимда.  
Рашк ўти қадалган кўксимнинг,  
Ўксиб зада бўлган юпанчи,  
Уйғоқ юлдузларга талпиниб ахир,  
Лек, ундан нимадир кутганди илҳақ.  
Мурувват кўрмади, начора, ҳечам –  
Тугамади,  
Тонг сари оғмади,  
Эҳ, менинг бу қоп-қора кечам!

## ҲАЁТНИНГ РАНГЛАРИ

Оқ-қора,  
Бу дунёда икки ранг мавжуд.  
Бири шаффоф ботин,  
Бири аламноқ зоҳир.  
Бири тоза дунё,  
Бири шум шарпа.  
Бири қора илон,  
Бири пок виждон.  
Баъзан ҳақнинг кунлари қаро,  
Зулмат гирдобига маҳкумдир толе,  
Баъзан разолатнинг исканжасида,  
Кунлар қаро, тунлар қаро.  
Ким ғофил, илоҳни кўра олмасдир,  
Тутинган маскани майхона.  
Бўғизлаб иймонни зулмат чоҳида,  
Ул малъун шайтонга  
Дўст тутингайлар.  
Оқ дейман, баъзан воҳ, қарони кўриб,  
Оқни чимматларга ўрайман гоҳо.  
Йўқ, бу дунё фаришта мисол,  
Гард юқмаган бир тоза мато.  
Сўнг хоинни кўкка кўтариб,  
Қаҳрамон деб алқайман зимдан.  
Ҳақиқат аталмиш чўққи пойида,  
Ўрмалар ўлимтик, машъум бир соя.  
Шунда, ҳақнинг чўққисига,  
Тирмашиб чиқиб,  
Виждонни сўроққа тута бошлайман:  
Агар сен пок бўлсанг,  
Тириклик учун,  
Нима кароматлар кўрсата олдинг?  
Чиқдингми сен ёхуд рўбарў,  
Жаҳолат миллатни эзганда?..  
Илғадингми ёки элнинг ҳолини?..

Оқ-қора деяпману аммо,  
Фарқлолмай қоламан,  
Баъзан жуда ҳам,  
Ҳаётнинг ҳақиқий рангини.

\*\*\*

Қор остида қолган баҳорим,  
Майса-ю олифта гулларим.  
Қуёшнинг меҳрига ошуфта,  
Бахтим сари юрар йўлларим.

Юракнинг торини куйлатар,  
Булбулларим: бечора қушлар.  
Қалбимнинг зорини сўйлатар,  
Дўстлар – вафо, вақтимни хушлар.

Тўлғона-тўлғона гулларим,  
Кўксимга талпинар-талпинар.  
Чулғона-чулғона йилларим,  
Севгининг чоҳида қалтирар.

Осмон-а, бенаво осмон-а,  
Кўкарар, товланади, соллана.  
Мен ошиқ – Мажнундан ёшман-а,  
Умидим гуллардек олланар.

Риёга, рўёга алданиб,  
Ишқ – мавзуда ўтар кунларим.  
Мен-чи, бир девона андалиб,  
Ҳатто писанд қилмас гулларим.

## ГЎШАНГА

Жафонинг сўзи бор бу гўшангада,  
Ёлгоннинг ўзи бор бу гўшангада.  
Бемор айлаб кетган менинг кўнглимни,  
Ҳижроннинг қизи бор бу гўшангада.

Ҳолимни жафокаш бир булбул билар,  
Алпларнинг юртига туташ йўл билар,  
Йиғласам, кўз ёшим Ойна кўл бўлар,  
Соғинчнинг кўзи бор бу гўшангада.

Кулолмайман, юракда ўкинчим бор,  
Дунёларга айтолмас ўтинчим бор,  
Айролиқда васлидин илинжим бор,  
Хотирамнинг юлдузи бор бу гўшангада.

Билмасдан кетсайдим асло заволинг,  
Кўрмасдан кетсайдим мангу малолинг,  
Бўлсайдинг кўзимда эзгу саволим,  
Ўзганинг сози бор бу гўшангада.

Вужудимни ҳажр куйдирди, тилди,  
Бағримда бардошим синди, ситилди,  
Висолин қасдида бир гул сўкилди,  
Оловнинг ўзи бор бу гўшангада.

Нур чорладим, кел-ей сўндир зулматни,  
Ой юзидин олгин қаро чимматни,  
Келсанг, агар, билмасмидик кулфатни,  
Ойнинг ёғдуси бор бу гўшангада.

## ЮПАНЧ

... га

Азизим...  
Айланаяпсан,  
Кўксимда  
Бедаво — ярадор,  
Куйик бўлакка.

Қайғу татимайди,  
Татимас шодлик.  
Э воҳ, энди сени  
Қандоқ асрайман?!

Азизим...  
Кўксимда — юракка —  
Вужудгинамда,  
Бир маҳзун қароққа  
Айланаяпсан.  
Э воҳ, энди сени  
Қандоқ асрайман?!

Азизим...  
Руҳимда  
Пала-партиш жон...  
Дунёга сифмаган,  
Минбаъд ул афғонга  
Айландинг.  
Эй, Тангрим,  
Энди бу дилимни  
Қандоқ асрайман?!.  
Қандоқ юпатаман,  
Эҳ, энди уни?..

## ГУНОҲИМ

Кўнглим – култепасан, харобазорим...  
Хаёлингни тинмай тўзгитар савол.  
Гоҳи сўлғин, гоҳи обод эурсан,  
Руҳинг – қудрат вале, чекмоғинг завол.

Кўнглим – култепасан, харобазорим...  
Ўн бора ёниб сен, ўн бор соврилган.  
Оташ ёмон ямлар юраккинамни,  
Ғам теграмдан тундай ёприлар.

Тун лашкари – беор ғам-қайғулардан,  
Ташландиқ кўнглимни нетиб асрайман?  
Бир кўнгил йўлида юз бора умрим,  
Ҳимоят этмоғим учун сарфлайман.

Кўнглим – сен бепоён юлдузли осмон,  
Зангори чўғлари ҳали сўнмаган.  
Боғларинг қўйнида тўлғаниб жоним,  
Гиёҳман минг йиллар ўсиб-унмаган.

Кўнглим – сен ибтидо, сенсан – интиҳо,  
Дунё дарвешлари чўқар бир кулба.  
Кўнглимда кўнглимдай ёта олмадим,  
Кўнглим сен ўхшайсан тиконли гулга.

Кўнглим – харобасан, харобазорсан,  
Булбуллар қувғинди, ташландиқ боғсан.  
Тангридан шафоат тилайман сенга,  
Кўнглим – сен жуда энг катта **ГУНОҲСАН!**

Кўнглим – сен энг сўнги илинж, паноҳсан...

## МУҲАББАТИМ

(Бўйдоқлар қўшиғи)

Муҳаббатим – севинч нима, кулиш йўқдир,  
Бу осмонда тўлин ойин тўлиш йўқдир,  
Армон гули, сен учун ҳеч сўлиш йўқдир,  
Фигоним – шу, чимилдиққа кирганим йўқ.

Йиллар ўтар ишқида маст, телбанамо,  
Соғинчим – гул, ифорлари ғунча забон,  
Ўтинчим – бир: юрагимни эзма замон,  
Армоним – шу, чимилдиққа кирганим йўқ.

Васл уйи бу ватандин йироқларда,  
Сени дея, жону тандин йироқларда,  
Қисмат қуши бу чамандин йироқларда,  
Ўтинчим – шу, чимилдиққа кирганим йўқ.

Ортиқ айлар дунё бизга ғам селини,  
Назар қилмас, у ҳеч ночор ишқ элини,  
ЮРАК – висол уйида ётмаган келин,  
Умидим – шу, чимилдиққа кирганим йўқ.

## ТИЛАК

Юзимга суйкалар гиёҳлар,  
Сайҳонларда таним паришон.  
Маҳзун кузатди дилсиёҳлар,  
Даладек ҳувиллар юрак, жон.

Дунёни унутиб ётибман,  
Кўраяпман беадоқ тушлар.  
Йўқлаб келса, шояд, бир куни,  
Олис йўлда адашган қушлар.

Тутқундир юракда туйғулар,  
Озодлик бергумдир уларга.  
Тангридан омонлик тилайман,  
Пойимда топталган гулларга.

\*\*\*

Эй, ёрим, ёноғингга,  
Сархуш босай юзимни.  
Кўнглингнинг гулзорида,  
Очай гунча – кўзимни.

Эркимнинг баҳорида,  
Мен ўзимни топарман.  
Ёр кўнглин хуш торида,  
Юлдузимни топарман.

Сўнгра армонлар ютиб,  
Қолсам-да, майли тиниб,  
Мен ҳурларга сотилиб,  
Майли, яшай соғиниб.

## ИЗТИРОБ

Чечаклар унади юракда маҳзун,  
Қалдирғоч гулимни олиб қочади.  
Кунларим лаҳзадек, тунларим узун,  
Юракка маломат заҳрин сочади.

О, тагин бошимда юз мингта ғавғо,  
Изтироб йўлимда қазир тубан чоҳ!  
Азоблар юксалар, қулайди нажот,  
Ўт ичра музлайман, музлаяпман, воҳ!

Чечаклар сўлади юракда маъюс,  
Севгимни рад этар ўшал қалдирғоч.  
Ўлтирибман тубсиз чоҳда зор, беҳол,  
Кўкда танҳо юзар ўшал қалдирғоч.

## КУЗ

Бугун ўз кулбамга сиғмайин қолдим,  
Кўчада телбавор тентирайди куз.  
Мен қай бир синовдан енгил ўтолдим,  
Қай оқшом сайҳонда тунадим ёлғиз?

Шитирлаб учганда сўлғин хазонлар,  
Боғларга чўкканда илоҳий сукун.  
Бир дард вужудимни яралаб кетди,  
Изтироб юракда ечилмас тугун.

Бенаво ҳолимга сафо истайман,  
Тангрим, гўзал қилгин қора қайғумни.  
Дунё узра албат, сочгайман бир кун,  
Қувонч деб аталган танқис туйғумни.

## НАЗИРАГА

(*Муашшат*)

На Лайли, на Ширин эрур хаёлим,  
На сулув рухсорлар сендек қиёли.  
Ай, юрак ўзингсан мангу ҳалолим,  
Аслимсан, ўзимсан, савоб-уволим.

Зебоним, асирам, бир тоза гулим,  
Замонам гўзали, соҳиби дилим.  
Икки дунё ичра ошқору пинҳон,  
Ихлосим ғолиби: машшоқ булбулим.

Руҳимсан қаноти асло қайрилмас,  
Рўзимсан руҳимдек абад айрилмас.  
Айтажак сўзимсан, кўрар кўзимсан,  
Аҳд ила бахтимсан, ҳеч қайтарилмас.

\*\*\*

Мажнунлик жонга тегди,  
Аҳд ила паймон истарам.  
Ҳажри бошимни эгди,  
Ишқидин ҳайрон истарам.

Кўзлари жоду малак,  
Меҳримга посбон истарам.  
Фунчага асир янглиғ,  
Булбули сайрон истарам.

Ишқда ҳар не бошима  
Келса-да, ҳар он истарам.  
Ишқу ошиқлик мурод,  
Ўзга бир майдон истарам.

## Мундарижа

Покланиш .....	3
Кўзларимда тўлин ой балқди .....	4
Иймоним, гулрўйим .....	5
Сўнгги Мажнун .....	6
Юрак фасли .....	7
Сукутнинг сабоғи .....	8
Ҳақиқат .....	9
Уйғонаётган ишқнинг овози .....	10
Тоғай Муродга .....	11
Бир гул керак .....	12
Иқрор .....	13
Болалик .....	14
Юрак. Содда мусича .....	15
Қолат .....	16
Ўзга юртнинг карвонлари .....	17
Таскин .....	18
Бир кўнгил керак .....	19
Гулнинг изтироблари .....	20
Ёлғизлик .....	21
Ҳаётнинг ранглари .....	22
Қор остида қолган баҳорим .....	23
Гўшанга .....	24
Юпанч .....	25
Гуноҳим .....	26
Муҳаббатим .....	27
Тилак .....	28
Эй, ёрим, ёноғинга .....	28
Изтироб .....	29
Куз .....	29
Назирага .....	30
Мажнунлик жонга тегди .....	30

*Адабий-бадиий нашр*

Холмуҳаммад Тоғаймурод

## **УЙФОНАЁТГАН ИШҚНИНГ ОВОЗИ**

*Шеърлар*

**Муҳаррир:** М.Содиқова  
**Мусаҳҳиҳ:** Назира Норбўтаева  
**Техвик муҳаррир:** Шаҳриёр

"ҲОКИ" ижодий гуруҳи томонидан нашрга тайёрланган

Нашриёт рақами: М - 500.

Босишга рухсат этилди: 20.02.07. Қоғоз бичими: 84x108 1/32. Офсет қоғози. Ҳисоб нашриёт т.: 1,2. Адади: 5000 нусха (1- завод 1000 нусха). Келишилган нархда.

ЎзР ФА "Фан" нашриёти: 100047, Тошкент, акад. Я.Ғуломов кўчаси, 70.

"КО'НИ NUR" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Машинасозлар мазеси, 4-уй. Буюртма №32.